

ИЛҒОРЛАР ЧАҚИРИҒИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Республикамизнинг ўнлаб саноат корхоналари КПССнинг XXIV съезди шарафига оширилган социалистик мажбуриятлар олган Навоий химия комбинати, Тошкент трактор заводи ва Тошкентдаги «Юлдуз» тивучилик фирмаси коллективларининг ватанпарварлик қаҳқирини қўллаб-қувватлади.

Фабрикалар, заводлар, қурилиш ташкилотларининг коллективлари ўз имкониятлари ва резервларини ҳисоблаб чиқиб, шонли санани меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олишга қарор қилдилар.

Урта Оседаги энг йirik Сирдарё ГРЭСининг қурувчилари қу-

рилиш-монтаж ишлари йиллик планини 22 декабрда бажаришга сўз бердилар. Иккинчи қозоннинг пойдевори топириқдан ташқари ёқизилди.

Ховос станциясининг темир йўлчилари йиллик топириқдан олти миллион тонна ҳалқ хужалик юклари ташиб беришга аҳд қилдилар. Шу йўсунда 400 тонна



иқтисод қилиб қолган дизель ёқилғиси иқтисодчилар жамғармасига тушади. Урганчдаги 119-автотөзза коллективни эътиборга оlish ва соҳабошлари йиллик топи-

шириқдан ташқари 52 минг тонна юк етказиб беради.

Пландан ташқари етти минг тонна кўмир! Шарғун конининг кўмирчилари КПСС съездида янги шундай соғла тайёрлашга киришдилар. Истеъмолчилар шунингдек қўшимча равишда минглаб тонна кўмир брикетни оладилар.

Урганч пахта тозалаш заводида, капитал ремонтни муддатидан олдин тугаллаб, қўл меҳнатини баътамом тутатиш шу корхона коллективига планга қўшимча равишда 10 минг сумлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. (УТАГ).

ДАРЁНИНГ ПЎЛАТ ЎЗАНИ

Шарҳисабз — Қарши — Қорғонбўзор 257 километрли қуурур арқ трассасида асосий гидротехника объектлари қурила бошлади. Яқинбода сув тортиб олинадиган асосий жойда насос станцияси қурилмақда. Бу ерда 250 метр баландликка қўтарилган сув кейин ўзи оқиб кетади. Қуурур ёрилишига йўл қўймасдан унинг сув тезлигини сўндирадиган маҳсулус камералар қуриш кўзда тутилган.

Қуурур арқ қурувчилар коллективининг биринчи навабати барвақт топириқда қарор қилди. Шу килинги охирида сув ҳозир муборакда қурилатган республикада биринчи газ олтингургурт заводида қурилатган. Келажакда секундага 3 минг литр сув бериши бу қуурур — арқ Қарши шаҳрини ҳамда ҳозир қўриқ ерларини ўзлаштириш зомасида қурилатган совхоз посёлкаларини сув билан таъминлайди.

АХБОРОТ НУҚУЛ ФАКТЛАР

«ТОШКЕНТ» ТРАКТОРИ

СИ Н О В Д А

Тошкент областининг 1-«Пискент» совхози даладада бу ерда ҳали ҳеч ким қўрмаган трактор пайдо бўлди. Бу тракторни Тошкент трактор заводи ишлаб чиқарган. Янги машинанинг тажриба нусхасини совхоз далаида заводнинг синови-тракторчиси Р. Йўлдошев бошқармоқда.

Совхоз раҳбарлари «Тошкент» тракторини синовдан ўтказиш учун барча шарт-шароитларни яратиб бердилар. Совхоз ишчилари республикада ишлаб чиқарилган янги трактор ўз далаида синовдан ўтказилган билан фарқланмайдилар. Янги трактор совхозда даладага ёқиб қолди. У 50 от кучига эга. Кабиниси меҳнаткор учун жуда қулай. Унда ҳавони янгилаб берадиган мослама бор. Бошқарув системаси осонлаштирилган.

МАХАЧҚАЛАДА

ЎЗБЕКИСТОН

КВАРТАЛИ

«Ташкилатор» институтининг бир гуруҳ архитекторлари Доғистон АССРининг Махачқала шаҳрида қайтиб келишди. Улар Махачқаладаги энг янги оқибатларини тугатишда қатнашган Ўзбекистон Бинокорлари даврасида бўлишди. Архитекторлар бу ерда берпо этиламан «Ўзбекистон» квартални саҳни ва майдонини аниқлашди. Унинг ўзига ҳос жиҳатларини ўрганишди. Бинокорлар 150 квартиралар 2-ўй жойга пойдевор қўйиб, қурилиш ишларини бошлаб юборишди.

Институт 4-архитектура устаноси ишлаб чиққан лойиҳага мувофиқ 2 та 90 квартиралар ва 8 та 60 квартиралар йирик панелли ўй қурилади. Шунингдек, Доғистон пойтахтида савдо маркази, аҳолига маънавий кўмак кўрсатадиган корхоналар, 280 ўринли болча-ясил, кафе, болалар ошонаси ҳам тикланади.

КОЛХОЗ МАКТАБЛАРИ

Қашқадарё облаидаги 507 мактабнинг ҳаммаси янги ўқув йилига ҳозирлаб қўйилди. Уларда қўшимча равишда 102 та синфхоналар ҳам қурилди. Ўқитувчиларга ўнлаб янги ўй-жой бинолари берилди. Облаи колхозларда қурилиш трести маориф ходимларига ёрдамчи қўйиб, 13 та янги мактабни қуриб фойдаланишга топширди. Бу мактабларнинг барчаси колхоз маблағлари ҳисобига қуриб берилади.

Бинокорлар Чироқчи районидаги Ленин номи, «Коммуна», Шаҳрисабздаги Калинин номи, Қосон районидаги «КПСС XXII съезди», Қарши районидаги «Коммунизм» ва «Москва» колхозларидаги мактабларни барвақт фойдаланишга топшириб, пахтакорлар ва чорвадорларнинг болаларини қурсенда қилишди. Янги ўқув йили бошлангич таълим 3 та янги мактаб ўқувчилар ихтиёрига берилади.

РАНГЛИ ҚОРАҚЎЛ

ЎЛКАСИ

Бухорони шундай деб аташ расм бўлиб қолди. Бухоро аёловларида етиштирилган қоракўл қўйларнинг рангдор териси жуда кўп кишиларни мафтўн қилиб қўйган. Зотли қоракўл қўйлари Бутунитиқоқ аукцион кўргазмаси Бухорода ташкил қилинганлиги ҳам бажиз эмас.

Бу ерда қоракўл қўйлар зотини яхшилаш масалаларига бағишланган семинар ҳам ўтказилди. Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон, РСФСР ва бошқа қардош республикалардан мутахассислар қатнашди. Улар наслиқлик хужжатларини, илмий ҳодимлар бўлиб, сермахсул қўй зотларини қўйларнинг қоракўл берадиган қўйларини боқиб, уларнинг зотини яхшилашдаги ибратли тажрибаларини ўртоқлашди.



КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ МАТЕРИАЛЛАРИ ОММАГА

КЕНГ ПРОПАГАНДА ҚИЛИНМОҚДА

Қишлоқ хўжалиги соҳасида муҳим дастуруламал бўлган КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини пропаганда қилишга Андижон районидagi Калинин номи колхоз партия комитети алоҳида эътибор беришти. Хўжалик партия комитети колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни қўлайтириб юборди.

Июль Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIX пленуми материалларини тарғибот ва ташвиқот қилиш ишига малакали агитаторлар ва «билим» жамияти район ташкилотининг аъзолари жалб қилинган.

Колхоз правленесининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Билим» жамияти район ташкилотининг аъзоси Абдуқодир Исобоев, партокм секретари Маҳкамжон Тошматов, колхоз агрономи Ҳабибулло Абдуллаевларнинг «Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда июль Пленуми қарорларининг аҳамияти», «Пахта етиштириш ва унинг истиқболлари», «Пахтадан юкори ҳосил олишда агротехника қондаларининг афзалликлари» деган мавзуларда қилган лекциялари тинловчиларда катта таассурот қолдирди.

М. АБДУЛЛАЕВ.

ТОШКЕНТ сув иншоотларини қуриш трестига қарашли 4-кўча механизациялашган колоннанинг бунёдкорлари Бўстонлик да 280 гектар қўриқ ва буз ерларни обхотда билан таъминлаш имконини берувчи 13-«Бўстонлик» ва 14-«Хўжакеан» ирригация шохобчаларини маддал берило эътиртлар. Суратда: механизациялашган колоннанинг электр пайвандчиси А. Чертов (чапда) ҳамда колоннанинг техника бўлимин бошлиғи М. Сомов ўртонлар пайванднинг сифатини кўздан кечиряпти.

Н. Портнев фотоси.



«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«НОЗИК САВОЛ»

сиёсий-тарбиявий ишларни йўлга қўйишга етарли эътибор бермай келганлар.

Гулистон район партия комитетининг бюроси «Нозик савол» мақоласини муҳомама қилди. Мақола қилинган қарорда бирор район раҳбарларига хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига даъватин билан кўтариш вазирасини йонлади. Механизатор

надрлар гайерлаш маисадида «Коммуна» колхозида механик-халдовчилар курси очилди. Ҳозир бу курсда тўнқиз қиз ўқишмоқда. Район матбуот соизи ҳузурида ҳам курс очилиб, унга ўн уч қиз қабул қилинган. Район даволаш-санитария бирлашмаси ҳузурида тиббий ҳамширалар тайёрлаш курси очилди. Бу ерда 65 хотин-қиз ўқишмоқда. Хотин-

қизлар ўртасида ишларни қўлайтириш масаласи барча район партия комитетларининг, шунингдек Гулистон шаҳар партия комитетининг пленуми ва партия-хўжалик активлари йигилишларида муҳомама қилинди.

Коммунист қурилишда хотин-қизларнинг активлигини ошириш, уларнинг орасида сиёсий-тарбиявий ишларни қўлайтириш масаласи Сирдарё облаида партия комитетининг пленумида муҳомама қилинди. Облаида хотин-қизларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини ошириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

ЎЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОБРЎСИ

Ижодий ташкилотлардан хатлар

ишлар қилинаётган шаҳар ҳамдир.

Ўзбекистон ёзувчилар ташкилотига бу ўзаро алоқаларнинг зарурлигини янги тушунишди. уларнинг ривожлантириш билишди. Бу жиҳатдан аянана бўлиб қолган адабиёт ва санъат декадалари ва ҳафталикларини, турли республикалар ёзувчилари ва санъат арбоблари делегацияларининг ўзаро борди-кечдилари, ортиқча далабасиз, ижодий иш юзасидан далабатчан шунчаки оддий учрашувларини айтиб ўтмоқчиман. Мақола бошида тилга олинган конференция ҳам ана шу учрашувлардан бири эди. Яқинда Тошкентда ҳарбий-ватанпарварлик мавзусига бағишланган регионал кенгаш бўлиб ўтди. 1969 йил охирида бу ерда «Ленин ва Шарқ халқлари маданияти» мавзусида симпозиум бўлиб, унда Москва, Ўрта Осиё республикалари, Таяристон ва Бошқирдистон ёзувчилари ва олимлари қатнашди.

Ўзбек адабиёти тоғвий-бадий бойликлари ҳазинасига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда, бугунги кунда бутун мамлакат миқёсида ўз бераётган ижодий жараён учун характерли бўлган эстетик изланишларда иштирок этмоқда.

Масалан, конференцияда гап

юртидан бадий прозани олайлик. Бу проза мавзу жиҳатдан илгартиргача нисбатан ранго-рангидан билан ажралди туради. Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, ёшларининг бугунги ҳаётига қўшган романилар, повестлар, ҳикоялар бағишланди. Ўзбек адабиётларининг ўтмиши ва аяиниси революцион ҳаракат тарихини баъдий бўёқларда акс эттиришга бўлган қизқишлари ҳамон катта.

Ўзбекистон прозаси кўндан-кўп жанр-усулб ўзгаришга бўйлаб ривожланимда. Шундай бўлиши ҳам табиқийдир. Булар орасида, масалан, Н. Сафаровнинг «Қўриқ-кечирганларим» асари билан ифодаланган ўзига ҳос бадий-мемуар шохобчани ҳам, таъкидчилликда ҳуқуқ илди отган ва «лирик проза» деб ноаниқ аталиб келинаётган ҳақрамон исмидан ҳикоя қилиш услубини ҳам қўрамиз (масалан, О. Ёкубовнинг оғир уруш йилларида қишлоқчи ўсиригининг характери қандай чиқадигани ҳақидаги «Эр бошига иш тушса» деган романи шу йўсунда ёзилган).

Конференцияда қатнашчилари кенг эрик ҳикоя қилиб бериш иштирокида қатнашди. Ўн йиллар мобайнидаги ҳаётини қамраб оладиган романилар муҳома-

масига айниқса катта эътибор бердилар. Бу тасоддий эмас, чунки у прозадаги ҳозирги аҳолига жуда мосдир. С. Аҳмад, Х. Гулом, М. Исмомилли, А. Муртоз, Ш. Рашидов, М. Шервудин, қоракўл ёзувчиси Т. Қанбергеновларнинг номини айтиш билан бугунги кунда катта меҳнати билан ана шу муҳим жанр бойлигини яратётган ёзувчиларнинг айримлари номини санаб ўтдим, ҳолос.

Конференцияда қатнашган, журналлар ва газеталарнинг билан таъкидчи, ёзувчилар билан суҳбатлашганимда шунчаки ишонч ҳосил қилдимки, Ўзбекистонда воқеликни бадий акс эттиришдан ютуқларга ҳам, ҳали бартараф этилмаган нуқсонларга ҳам ҳолисона баҳо берилмоқда. Чунки, конференция қатнашчилари ва ҳамсуҳбатларим йирик прозалар асарларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, баъзи романилар ҳеч асосиз қалпайтириб юборилган ҳам қайб қилинган. Ўзбек ёзувчилари ва таъкидчилари ҳаётни акс эттиришнинг реалистик мукамиллик ва ҳаққонийлик проблемасига, Ўзбек прозасида психологизм маданияти умуман юксалган бўлса ҳам, бадий таҳлилнинг психологизм теранлигига янада кўпроқ эътибор беришлари лозим.

Ҳозир Ўзбекистон ёзувчилари кўп ва умумий ижод қилмоқдалар. Бу гап романдан торти

адабиётшунослик ва таъкидчилликка бўлган адабиётнинг ҳамма жанр шохобчаларига тааллуқлидир. Бу гап турли ҳил миллий отрядларга тааллуқли: республикада Ўзбеклар билан бирга рус, қоракўл ёзувчилари (сўнги йилларда қоракўл ёзувчилари янги қўриқ турли), татар, уйғур ва бошқа ёзувчилар ҳам ишламоқдалар. Бу гап Ўзбек адабиётларининг барча бугунларига тааллуқлидир.

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия билан суҳбатлашганимда, у ёш авлодга мансуб бўлган ёзувчиларни энгилгина қиз тўпаларини нави-навида қўлга эмас, балки сершох, қабулват, дарахтга ўхшатгани тасоддий эмас. «Эндиги замин бошқача, маълумот, маданият замонага мувофиқ, шунинг учун ўзини ҳам янги, нишонаси ҳам бўлиб, бинобарин, уларга бўлган талаб ҳам катта», — дейди Зулфия. Ўзига нисбатан талабчан бўлиш — Ўзбек адабиёти ижодига ҳос бўлган аjoyиб фазилатдир. Бундан, табиқий, ёзувчилар союзининг тарбиявий, ижодий, таъкидчиллик роли ҳақидаги масала келиб чиқади.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг обрўси ҳаммага маълум. Унинг мустақамлашганига республика партия ташкилотининг адабий ишга домий эътибор билан қаратганлиги катта ердам бермоқда.

Ижодий ташкилотлар правленеларининг Ленин юбилеига тайёргарлик қўриш вазифаларига бағишланган бирлашган пленумида Ўзбекистон маданиятининг истиқболи ўз вақтида белгилаб берилди. Ана шу истиқбол режаларининг амалга оширилиши адабиётда ҳам се-

зиларга натижалар берди. Республика ёзувчилар союзи, унинг правленеси адабий ҳаётнинг ақтуал, мураккаб, масалаларини аниқлаб билади, унга адабларнинг диққат-эътиборини қаратиб, союз аъзоларини ана шу масалаларни муҳомама қилиш жараёнида тарбиялай олади.

Ёзувчилар союзи правленесининг пленумлари Ўзбекистонда таъкидчиллик ва прозалар аҳолининг қўриб чиқди. Мазмундор локдалар (биринчи пленумда союз президиумининг раиси К. Яшин, иккинчи пленумда К. Яномов локдади), ниқонлари музокаралар алоқиб ҳаётда жийдди қолдири. Ишчилар сиёрий мавзунининг муҳимлиги ва уни бадий ҳал қилиш йўллари ҳақидаги гаплар; авторларининг қарашли турмушининг кичир-чикдилари, тўй-томоша, қўйди-қилдилар, шу сингариларни тасвирлашдан нарта ўтмаётган «майда мавзу» ачагинга асарларни таъкид қилиш, партиявий аниқ позиция ва профессионал исбот ўрнига баъзан «импрессионал», «тахмиллар», асоссиз таъна ва мақтовларга бериб кетаётган адабий таъкид ва адабиёт тарихига жийдди талаб — ижодий жараёнинг ана шу қайноқ проблемалари эътибордан четда қолмаслиги лозим.


Мана... қўлимда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленеси президиумининг 1969 йилда ўтказган мажлисларининг протоколлари. Президиум ўтган йилларда бўлган тўнқиз мажлисда жуда кўп масалаларни ҳал қилган. Бу масалалар яхши белгилаётган ва шунинг учун ишчанлик билан муҳомама қилинган. Айни вақтда бевосита ижодий масалаларга қўра соф

С. МУХИТДИНОВ.

(ЛАВХА)

Ю. ХАМДАМОВ.

А. Тўраев фотолари.



ий. Чунки, айрим ўр
фаолиятида конкрет иш
ли ваъдалар ва қозғолар
лаганда ҳамиша шунда
лади.

